

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭШҚУВВАТОВ БЕКЗОД БЕҚҚУЛОВИЧ**

**ТОҒОЛДИ ТЕКИСЛИК ВА ЁЙИЛМА ЛАНДШАФТ  
КОМПЛЕКСЛАРИНИ МИКРОЗОНАЛАШТИРИШ ҲАМДА  
ХЎЖАЛИК МАҚСАДЛАРИДА БАҲОЛАШ  
(Ўрта Зарафшон мисолида)**

**11.00.01 – Табиий география**

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
geographical sciences**

**Эшқувватов Бекзод Бекқулович**

Тоғолди текислик ва ёйилма ландшафт комплексларини микрizonaлаштириш  
ҳамда хўжалик мақсадларида баҳолаш (Ўрта Зарафшон мисолида)..... 3

**Эшқувватов Бекзод Бекқулович**

Микронизирование ландшафтных комплексов предгорных равнин и конусов  
выносов и их оценка в хозяйственных целях (на примере Среднего  
Зарафшана)..... 21

**Eshkuvvatov Bekzod Bekkulovich**

Microzoning and economic assessment of foothills and propagated landscape  
complexes (by the example of Middle Zarafshan)..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭШҚУВВАТОВ БЕКЗОД БЕҚҚУЛОВИЧ**

**ТОҒОЛДИ ТЕКИСЛИК ВА ЁЙИЛМА ЛАНДШАФТ  
КОМПЛЕКСЛАРИНИ МИКРОЗОНАЛАШТИРИШ ҲАМДА  
ХЎЖАЛИК МАҚСАДЛАРИДА БАҲОЛАШ  
(Ўрта Зарафшон мисолида)**

**11.00.01 – Табiiй география**

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В.2019.3.PhD/Gr115 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (samdu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим тармоғига (www.ziynet.uz.) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Аббасов Субхон Бурхонович</b> география фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Нигматов Асқар Нигматуллаевич</b> география фанлари доктори, профессор <b>Қўзибоева Озодхон</b> география фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Наманган давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 19 август соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 уй. Самарқанд давлат университети Бош биноси, 105-хона. Тел.: (+99866) 239-16-36, факс: (+99866) 239-19-38; E-mail: ik-geografiya2018@mail.ru.

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 46 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 уй. Тел.: (+99866) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2020 йил «5» 08 куни тарқатилди.  
(2020 йил «5» 08 даги 8 рақамли реестр баённомаси).



**В.А.Рафиков**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, г.ф.д. (DSc)

**Б.А.Мелиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, география фанлари бўйича PhD

**А.Рахматуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д. (DSc)

## **КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда инсониятни табиий ресурслар билан таъминлаш мақсадида ландшафтлардан интенсив фойдаланилаётганлиги сабабли табиий муҳитда техноген бузилиш, саҳроланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашиши, тупроқ эрозияси, деградацияси, дефляция, чўлланиш ва бошқа салбий геоэкологик ҳамда табиий географик жараёнлар кун сайин кучайиб бормоқда. Бу муаммоларга қарши курашишга халқаро ташкилотлар катта эътибор бермоқда. Жумладан, БМТнинг «2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастури»да «Қуруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш, ўрмонларни рационал бошқариш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини тўхтатиш ва биологик хилма-хиллик йўқолишининг олдини олиш» вазифалар берилган<sup>1</sup>. Мазкур вазифалар айниқса арид иқлимли ҳудудларда ландшафт комплекслари салоҳиятидан самарали фойдаланиш, деҳқончилик турларини ривожлантириш, ҳудудда амалга ошириладиган хўжалик тадбирларини амалга оширишда тизимли-структуравий, парагенетик ва парадинамик алоқадорлик тамойиллари асосида комплекс тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Дунёда қишлоқ хўжалиги юритишда ва ландшафтларни муҳофаза қилиш соҳасида мелиоратив тадбирларни олиб бориш, ландшафтларни табақаланишини ва уларнинг структурасини геоинформацион тизимлардан (ГИС) фойдаланиб ҳудудларни қишлоқ хўжалик мақсадларида тадқиқ этиш, бунда ландшафт тадқиқотларини замонавий методларга таянган ҳолда олиб бориш, уларнинг мавжуд имкониятларини таҳлил қилиш, хўжалик мақсадларида баҳолаш, тизимли баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, микрозонлаштириш асосида экинларни жойлаштириш схемасини такомиллаштиришни илмий асосда ҳал этиш йўллари ишлаб чиқишни тақозо этади. Ҳудудларнинг NDVI (вегетацион индекс)ларини аниқлаш, NDVI эпюраларини ҳисоблаш, ўз навбатида ландшафт синфлари ва уларнинг морфологик бирликларида содир бўлаётган мураккаб динамик жараёнларни, уларнинг табақаланиш ва ўзгаришини ўрганишда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб амалга оширишга устувор аҳамият берилмоқда.

Республикамизда ҳудудлар имкониятларини баҳолашда замонавий фан-техника ютуқларидан фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг кадастрини олиб бориш, ландшафтларни хўжаликнинг турли мақсадлари нуктаи назаридан баҳолаш, микрозонлаштириш, районлаштириш ва шу асосда ландшафтларнинг ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича катор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш

---

<sup>1</sup> Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru

бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>2</sup> «суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, Ўрта Зарафшон ҳавзасидаги табиий ва антропоген ландшафтларнинг структураси ва ландшафтларнинг табақаланишини, улардан хўжаликда фойдаланиш нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, бунда ландшафт салоҳиятидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, уларни микрозоналарга ажратиш, карталаштиришга доир мақсадли тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги «2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси талабларига мос равишда фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси»; VIII. «Ер ҳақидаги фанлар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Зарафшон ҳавзаси бўйича комплекс табиий географик тадқиқотлар С.П.Сучков, Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, А.С.Саидов, П.Баратов, Л.А.Алибеков, А.А.Абдулқосимов, Н.И.Сабитова, А.Р.Рахматуллаев, А.Н.Нигматов, А.Н.Ҳожиматов, Х.Ж.Жўрақулов, Ю.Ҳ.Абдурахмонова, О.Ш.Рўзиқулова, Б.А.Мелиев, А.Расулов ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Ландшафтларни хўжалик мақсадларида тадқиқ этишда хорижий олимлардан Н.А.Гвоздецкий, Т.В.Звонкова, Д.А.Родионов, М.Н.Паробецкий, Б.Я.Федунык, Le Bas, M.Jamagne, И.Ю.Которгин, И.В.Орлова, А.А.Кашин, О.Н.Трапезникова, республикамиз олимларидан Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, З.М.Акрамов, Ш.Эргашов, И.Хасанов, П.Ғуломов ва бошқалар шуғулланишган.

Лекин, Ўрта Зарафшон ҳавзасидаги тоғолди текислик ва ёйилма ландшафтларни хўжаликда фойдаланиш нуқтаи назаридан микрозоналаштириш ҳамда космик суратлар ёрдамида карталаштиришга

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

эътибор берилмаган. Ушбу ишнинг асосий мақсади ана шу камчиликларни тўлдиришдан иборат.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасидаги А-13-9 – «Зарафшон водийсининг рекреация, туристик ва экологик карталарини тузиш» (2015-2017 йй.) амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тоғолди текислик ва ёйилма ландшафтларини қишлоқ хўжалигида фойдаланиш мақсадларида баҳолаш ҳамда микрозоналаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўрта Зарафшон ҳавзаси табиий шароити ва ландшафтларини хўжалик мақсадларида фойдаланиш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

ландшафт структураси ва унинг салоҳиятини вегетацион индекслар ва ҳисоблаш эпюраси орқали аниқлаш ҳамда ГИС дастурларида карталарини яратиш;

эрозион жараёнлар ва оқимнинг геоморфологик боғлиқлигига асосланган ҳолда ландшафтларни қишлоқ хўжалигида фойдаланиш нуқтаи назаридан баҳолаш;

Ўрта Зарафшон ҳавзаси ландшафтларини хўжалик мақсадларида микрозоналаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўрта Зарафшон ҳавзаси тоғолди текислик ва ёйилма ландшафтлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўрта Зарафшон тоғолди текислик ва ёйилма ландшафтларни қишлоқ хўжалик мақсадларида структуравий ва функционал бир бутун тизим сифатида таҳлил қилиш ҳамда микрозоналарга ажратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда дала-тадқиқот, лаборатория, қиёслаш, картографик, аэрокосмик, математик, статистик таҳлил, имитацион ва систематик, геоинформацион тизимлар ёрдамида карталаштириш каби методлардан фойдаланилган. Карталар махсус ArcGIS дастуридан фойдаланилган ҳолда яратилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кўп зонали космик суратлар спектрининг энг оптимал диапазонларини (спектрнинг қизил (R4) ва инфрақизилга яқин (NIR5) соҳаси) аниқлаш орқали ландшафтлардаги экин турларини жойлаштириш схемасини такомиллаштиришнинг асоси бўлган вегетацион индексларни ҳисоблаш эпюраси (графикнинг махсус шакли) ишлаб чиқилган;

тоғолди текислик ва унинг ёйилма ландшафтларини функционал-динамик хусусиятидан келиб чиқиб, уларнинг табиий ресурс салоҳияти қишлоқ хўжалиги учун баҳоланган ҳамда ArcGIS дастури ёрдамида ландшафтлардан хўжалик мақсадларида фойдаланишнинг (1:1000000 масштабли) махсус мавзули карталари яратилган;

эрозион жараёнлар ва оқимнинг геоморфологик боғлиқлиги тамойили асосида ландшафтлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш имкониятлари ва экин ерларининг хўжалик юритиш учун қулайлиги баҳоланган;

қишлоқ хўжалик экинларини оптимал жойлаштириш схемасини такомиллаштиришнинг асоси бўлган ҳавза ландшафтлари агроиқлим кўрсаткичлари, вегетацион индекслар ва қиялик (slope) ни ўзгаришини мезон сифатида олиб ҳудуд қишлоқ хўжалик мақсадларида районлаштирилган ва микрозоналарга ажратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида Ўрта Зарафшон ҳавзаси ландшафтлари қишлоқ хўжалигида фойдаланиш мақсадларида илк бор таҳлил қилинган ва космик суратлар ёрдамида вегетацион индекслар (NDVI) ни ҳисоблаш эпюраси ишлаб чиқилган ҳамда шу асосда NDVI картаси яратилган;

космик суратлар асосида тоғолди текислик ва ёйилма ландшафтларнинг хўжалик мақсадларида баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

кўп спектрли космик суратлар орқали ландшафтлардаги вегетацион индекслардан ландшафт кадастри индикатори сифатида фойдаланиш мумкинлиги асосланган ва ҳавза ландшафтлари микрозонлаштирилган;

тоғолди текислик ва ёйилма ландшафтлари қишлоқ хўжалиги учун ArcGIS дастури ёрдамида амалий аҳамиятга эга бўлган карталари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация иши натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси «Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси»нинг тупроқ бонитировка маълумотлари ва уларнинг карталари, гидрометеорология, геодезия, картография ва давлат кадастри хизмати маълумотларидан динамик жараёнларни ўрганишда, ландшафтларни баҳолашда ва микрозонлаштиришда космик ва математик усулларнинг амалий мос келганлиги, олинган натижаларнинг услубий-назарий тушунчаларга ва илгари олиб борилган бошқа тадқиқотларнинг хулосаларига мослиги, назарий ишланмалар, хулоса, таклифлар амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тоғолди текислик ва ёйилма ландшафтларининг функционал-динамик алоқадорлиги ва таъсир этиш механизмини аниқлаш ҳамда уларнинг агроиқлимий салоҳиятини баҳолаш ва микрозонлаштириш методикасининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўрта Зарафшон ҳавзаси тоғолди текислик ва ёйилма ландшафтларини хўжалик мақсадларида баҳолашда рельеф ва иқлим омиллари таъсирини аниқлаш, тузилган ландшафт карталаридан фойдаланиб ер кадастрини ўтказиш, ландшафтларни карталаштиришда геоинформацион методлардан фойдаланиш,



ландшафтларни хўжалик мақсадларида баҳолаш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ландшафтларни хўжалик мақсадларида баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

кўп зонали космик суратлар спектрининг энг оптимал диапазонларини (спектрнинг қизил (R4) ва инфрақизилга яқин (NIR5) соҳаси) аниқлаш орқали асосланган вегетацион индексларни ҳисоблаш эпюраси бўйича олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 5 июндаги 02/022-1-1621-сон маълумотномаси). Натижада, минтақа ва маҳаллий ҳудудларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини кўрсатиш имкони ортган;

тоғолди текислик ва унинг ёйилма ландшафтларини ArcGIS дастури ёрдамида тузилган (1:1000000 масштаб) махсус мавзули карталари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 5 июндаги 02/022-1-1621-сон маълумотномаси). Натижада, ерларни яроқлилигини комплекс баҳолашдан ўтказиш бўйича чора-тадбирларини такомиллаштириш имконини берган;

эрозион жараёнлар ва оқимнинг геоморфологик боғлиқлиги тамойили асосида ландшафтлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш имкониятлари ва экин ерларининг хўжалик юритиш учун қулайлигига доир баҳолаш мезонларидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида қишлоқ хўжалик ерларининг яроқлилигини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 5 июндаги 02/022-1-1621-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалиги ер турлари яроқлилигини комплекс баҳолаш чора-тадбирлари ишлаб чиқиш имконини берган;

қишлоқ хўжалик экинларини оптимал жойлаштириш схемасини такомиллаштириш бўйича ажратилган районлар ва микрizonaлардан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида экинларни жойлаштириш схемасини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 5 июндаги 02/022-1-1621-сон маълумотномаси). Натижада, экинларни жойлаштириш схемасини такомиллаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур ишнинг тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси ОАК нинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп қилинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объект ва предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тоғолди текислик ва ёйилма ландшафтларни тадқиқ этишнинг назарий ва методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида республикамиз ҳудудларида тоғолди текислик ва ёйилма ландшафтларнинг шаклланиши ҳамда географик тарқалиши, уларни тадқиқ этишнинг назарий асослари ва амалий аҳамияти, ландшафтлардан хўжаликда фойдаланишда турли методик ёндашувларни қўлланилиши каби масалалар ёритилган.

Йирик тоғоралиғи ботиқларининг теварак-атрофини ва тоғолди зоналарини арид ва яримарид, шунингдек континентал иқлим шароитида вужудга келган, шаклланган ва барқарор ривожланиб келаётган тоғолди пролювиал, аллювиал-пролювиал қия текисликлар ўраб олган. Тоғолди аллювиал-пролювиал текисликларнинг вужудга келиши ва шаклланишида вақтинча оқар сувлар, жумладан жилғалар, сойлар ва дарёларнинг ёйилма конусларини бир-бири билан қўшилиши ҳал қилувчи рол ўйнаган, шунингдек улар янги тектоник ҳаракатлар таъсирида тоғ тизмаларини кўтарилиши, дефляция ва эрозия жараёнларнинг кучайиши, хусусан эрозия натижасида нураш маҳсулотларини тоғлардан катта миқдорда оқизиб келтириб ётқизилиши тоғолди текисликларини келиб чиқишида муҳим аҳамият касб этган.

Ўзбекистоннинг тоғолди пролювиал, аллювиал-пролювиал текисликлари геоморфологик жиҳатдан мураккаб тузилган бўлиб, уларнинг структураси бир-биридан кескин фарқ қилувчи икки хил рельеф комплексидан таркиб топган. Биринчи рельеф комплекси қиялиги бир хил йўналишда тоғ ва адирлар этагидан текислик ёки водий томон аста-секин пасайиб борадиган пролювиал текисликлардан иборат. Иккинчи типдаги рельеф комплекси эса дарё ва сойлар тоғ ҳамда адирларни кесиб чиққан жойларда ярим доира шаклида елпигичсимон тарқалган ва қабариксимон кўринишга эга бўлган қия ёнбағир ҳосил қилиб, юқоридан атроф томон сезиларли даражада пасайиб борадиган конуссимон ёйилмалардан таркиб топган.

Ўрта Зарафшон ҳавзасида конуссимон ёйилма ландшафтларнинг географик тарқалиши асимметрик характерга эга. Бу ерда объектив мавжуд бўлган конуссимон ёйилмаларнинг катта қисми ҳавзанинг жанубий ва шимолий қисмларида жойлашган. Бунга сабаб ботикнинг шимолий ва жанубий томонини ўраб турган ўртача баландликдаги Чақилкалон, Қоратепа, Нурота, Оқтоғ, Қоратоғ ва бошқа тизмалардан бошланувчи Ёждувонсой, Ёссой, Ургутсой, Омонқўтонсой, Сазағонсой, Терсаксой, Оҳаликсой, Оқсой, Олтинсой, Майдонсой, Кўксаройсой, Оқтепасой, Тўсинсой ва бошқа сойлар оқиб келиб, уларнинг ҳар бири ўзининг конуссимон ёйилмаларни шакллантиради. Ҳавзанинг ғарбий қисмидаги Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларида доимий оқар сойлар кам учрайди. Мавжуд бўлган қуруқсойлар эфемер характерга эга бўлиб, уларнинг конуссимон ёйилмалари ҳам жуда кичик. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, арид ва ярим арид континентал иқлим шароитида конуссимон ёйилмаларнинг алоҳида генетик рельеф комплекси сифатида вужудга келиши ва шу асосда ўзига хос конуссимон ёйилма ландшафтларнинг таркиб топиши, шаклланиши ҳамда барқарор ривожланиши бевосита дарё ва сойларнинг оқимлари, уларнинг узлуксиз давом этиб келаётган яратувчанлик фаолияти билан боғлиқ.

Республикамиздаги, жумладан Ўрта Зарафшон ҳавзасидаги барча конуссимон ёйилмаларнинг вужудга келиши ва шаклланишида иштирок этган аллювиал-пролювиал ётқизиқларнинг механик таркиби турли хил катталиқдаги шағал тошлардан, майда заррачали қум ва гиллардан ташкил топган бўлиб, улар ёйилманинг юқори қисмидан то этагигача муайян гидродинамик қонуниятга бўйсунган ҳолда сараланиб ётқизилган. Шу сабабли барча конуссимон ёйилмаларда, уларнинг ёнбағри бўйлаб юқоридан қуйи томон йўналишда дағал тоғ жинсларининг камайиши ва аксинча майда заррачали увоқ жинсларнинг ортиб бориши кузатилади.

Н.В.Раговская (1956) Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ўлкасининг тоғолди текисликларида қадимдан ривожланиб келган суғориладиган агроландшафтларнинг геоморфологик, гидрогеологик ва муҳандислик-геологик хусусиятларини тадқиқ этиш билан шуғулланиб, бу зонада кенг тарқалган конуссимон ёйилмаларнинг рельеф тузилишини, литологик таркибини ва уларнинг микрозонал табақаланишини ҳам ўрганган. Муаллиф конуссимон ёйилмаларни учта зонага ажратади: 1) шағалли тошлоқ юқори зона; 2) саз тупроқли марказий зона; 3) гилли қуйи зона.

Конуссимон ёйилмаларнинг вужудга келиши, шаклланиши, географик тарқалиши ва кўплиги бевосита тоғ ёнбағирларининг парчаланганлик даражаси ҳамда гидрографик тўрнинг зичлиги билан боғлиқ. Тоғлардан оқиб тушадиган жилғалар, сойлар, дарёларнинг сони қанча кўп бўлса, конуссимон ёйилмалар ва қуруқ дельталарнинг сони ҳам шунча кўп бўлади ёки аксинча, дарё ва сойларнинг сони қанча кам бўлса конуссимон ёйилмалар ҳамда қуруқ дельталарнинг сони ҳам шунча кам бўлади. Шундай экан, тоғдан оқиб тушадиган ҳар қайси сой ва дарё тоғолди текислигига чиққандан кейин тармоқланиб, ўзининг мустақил конуссимон ёйилмасини ва қуруқ дельтасини шакллантиради ҳамда барқарор ривожлантиради.

Ўзбекистоннинг тоғоралиғи ботиқларидаги ҳамда тоғолди қия текисликларидаги конуссимон ёйилмалар сезиларли даражада кўтарилиш ва кенгайиш жараёнини ҳозирги даврда ҳам бошдан кечирмоқда. Конуссимон ёйилма ва қуруқ дельталарнинг кўтарилиши ҳамда морфологик структурасининг динамик равишда ўзгариши, уларнинг юқори ва ўрта қисмларида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Конуссимон ёйилма ва қуруқ дельталарда дарё ҳамда сой ўзанлари тобора чуқурлашиб, денудацион жараёнлар фаол суратлар билан давом этмоқда. Бунинг оқибатида ёйилма ва дельталарнинг қуйи этак қисмлари кенгайиб, баъзи жойларда янги қўшимча ёйилма ва дельталарнинг вужудга келиши содир бўлмоқда. Бундай ҳолат конуссимон ёйилма ва қуруқ дельталарнинг миграцияланишига олиб келади. Шунинг учун ҳам табиатда содир бўлаётган бундай жараёнларни В.Н.Вебер (1929) «қуруқ дельталарнинг миграцияси» деб атаган.

Табиатда мавжуд бўлган конуссимон ёйилмалар ва қуруқ дельталар тоғоралиғи ботиқларидаги тоғолди текисликлари билан узвий боғлиқ бўлган ландшафт комплексларини ташкил этсада, улар ўзининг муайян шаклланиш тарихи, ташқи қиёфаси, структуравий тузилиши, горизонтал ва ёнбағир табақаланиш каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Конуссимон ёйилмалар ва уларнинг негизида таркиб топган табиий ва антропоген ландшафтлар янги тектоник ҳаракатлар таъсирида тадрижий ривожланиш ҳамда динамик ўзгариш характериға эға. Айрим ҳолатларда конуссимон ёйилмаларнинг ташқи қиёфасини ўзгаришиға, майдонининг кенгайишиға ва ландшафт комплексларининг ўзгаришиға аккумулятив жараёнлар билан бирға сел ҳодисалари ҳам катта таъсир кўрсатади.

Ўзбекистоннинг тоғолди пролювиал-аллювиал текислик зоналарида ва тоғоралиғи ботиқларида кенг тарқалган, катта-катта майдонларни эғаллаб олган ва инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида қадимдан ўзлаштирилиб келинаётган ҳамда инсониятнинг асосий маданий марказларидан бири бўлган конуссимон ёйилма ландшафтлар ҳозирға қадар ҳам кам ўрганилган географик объектлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам конуссимон ёйилма ландшафтларни комплекс тадқиқ этиш, уларнинг ландшафт-типологик, ландшафт-экологик, ландшафт-мелиоратив карталарини тузиш, вужудға келган геозкологик вазиятларни ва мелиоратив ҳолатларни баҳолаш мақсадида тадқиқот ишларини олиб бориш ва уларнинг натижаларини ҳаётға тадбиқ этиш илмий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятға эға.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳудудидаги конуссимон ёйилмалар ва қуруқ дельталар дастлаб В.Н.Вебер (1929), Н.И.Николаев (1946, 1948), Н.В.Роговская (1956), Д.П.Резвой (1957), Н.П.Костенко (1962, 1970) ва бошқалар томонидан геологик, геоморфологик, гидрогеологик нуқтаи назардан тадқиқ қилиниб, уларни геоморфологик ҳамда литологик тузилмаларига қараб юқори, ўрта ва қуйи қисмларға бўлишган. Лекин, юқорида номлари зикр этилган муаллифлар конуссимон ёйилмаларға ландшафтшунослик нуқтаи назардан эътибор бермаган ва тадқиқот ишларини амалға оширмаган.

Ўзбекистон ва Ўрта Осиё ҳудудида кенг тарқалган конуссимон ёйилма ландшафтларни тадқиқ этишда ва уларга бағишланган илмий асарларни чоп этишда А.А.Абдулқосимов (1966, 1983, 2009, 2015), К.М.Боймирзаев (1995, 2004, 2007), А.А.Абдулқосимов, О.М.Қўзибоева (2004, 2005, 2006, 2009), С.Б.Аббасов (2013, 2015), Ю.Султонов (1974), Қ.С.Ярашев (2005, 2006, 2008, 2009), А.К.Уразбоев (1998), М.Ш.Ишанкулов (1979, 1982, 1986) ва бошқаларнинг хизмати катта.

Ўзбекистон ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган конуссимон ёйилма геотизимларини халқ хўжалигини ривожлантириш, ёйилма ландшафтларни микрозонал табақаланиш қонуниятларини илмий жиҳатдан асослаб бериш натижасида шаҳарсозлик, ер қурилиш, ландшафт архитектураси, ландшафт дизайни, ландшафт кадастри, ландшафт планировкеси каби янги йўналишлар вужудга келган. Бугунги кунда тоғолди текислик ва ёйилма ландшафт комплекслардан қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиш каби тадқиқот ишларини амалга ошириш фаннимиз олдидаги долзарб муаммолар сифатида ўз ечимини кутмоқда.

Ландшафтлардан хўжаликда фойдаланиш масаласи диссертация ишида қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан тадқиқ этилади. Чунки, қишлоқ хўжалик ерлари ва ҳудудларнинг табиатни бошқаришнинг геоэкологик ҳамда иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда география алоҳида ўрин тутди ҳамда айнан шу фан геосистемаларга оид муаммоларни ҳал этишга комплекс ёндашишни тўлиқ қамраб олади.

Қишлоқ хўжалигида тоғолди текислик ва ёйилма ландшафтлардан фойдаланиш ҳамда ҳудуд табиатини бошқариш муаммоларини ҳал қилишнинг комплекс ёндашувида, биринчи навбатда, табиатни бошқариш объекти сифатида ландшафтни оптималлаштириш концепциясини қўллашни бир гуруҳ муаллифлар таъкидлаб ўтишади (Исаченко, 1980; Макунина, Рязанов, 1988; Чибилев, 1992; Петров, 1994). Унинг моҳияти табиий ландшафтларнинг ривожланишидаги етакчи ролни улардан фойдаланишнинг ҳар қандай шароити учун тан олиншидир.

Ландшафтни экологик оптималлаштириш концепцияси антропоген ландшафтни оптималлаштириш концепциясининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, у ландшафтни ривожлантиришда антропоген омилларнинг маълум ролини тан олади ва ландшафтнинг унумдорлигини оширишда иқтисодий фаолиятнинг аҳамиятига катта эътибор берилади. «Табиий-антропоген мослик» оптималлаштиришнинг асосий принципи сифатида эътироф этилган бўлиб, унга мавжуд ландшафтлар тизимида, жумладан тоғолди текислик ва ёйилма ландшафтларини энг оқилона йўл орқали «мослаш» усуллари билан эришилади.

Ландшафтлардан, шу жумладан тоғолди текислик ва ёйилма ландшафтларидан хўжалик тармоқларида фойдаланишни тартибга солишга доир ишлар Ю.А.Израэл (1984); О.М.Тери (1988); В.С.Преображенский, Т.Д.Александрова, Т.П.Куприянова (1988); И.Ю.Долгушин (1990); Г.Круглова (1990), Ж.Думански, К. Пъери (2000); М.Аршад, К.Мартин (2002) ва бошқалар томонидан амалга оширилган, бу ишларнинг асосий

йўналишлари сифатида экинларни экиш, ўғитлаш ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш, ерлардан самарали фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва бошқаларни таъкидлаш лозим.

Қишлоқ хўжалигини бошқариш учун ландшафт ёндашувининг аҳамиятини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. А.Г.Исаченко (1980) ҳақли равишда таъкидлаганидек, «ландшафт-агросаноат типлари маълум ландшафт тоифаларига бирлаштирилиши керак» деб таъкидлаб ўтган.

Диссертациянинг «**Тоғолди текисликлар ва ёйилма ландшафтларни вужудга келиши ҳамда уларнинг комплекс таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида ҳудуд табиий шароитининг ландшафт шаклланишидаги роли ва ландшафтларни таснифлаш масаласи ёритилган ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Конуссимон ёйилма майда ва йирик ётқизиклар устида, кескин арид иқлим шароитда вужудга келган ва шаклланган табиий шароити жуда қулай ҳудудлар бўлиб, улар анча ёш геосистемалардир, уларнинг ер юзаси куйи қисмида юқори қисмига томон кўтарилиб боради. Конуссимон ёйилмалар қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш учун жуда қулай ҳудудлар бўлиб, улар халқ хўжалигида жуда катта аҳамият касб этади. Конуссимон ёйилмалар иссиқлик ресурсларига, ер усти ва ер ости сувларига бой, тупроқ қоплами яхши шаклланган, уларни ўзлаштириш учун қулай бўлиб, барча агротехник талабларга мос келади. Шунинг учун улар қадимдан инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзлаштирилиб келинган. Конуссимон ёйилмалар Ўрта Зарафшон ҳавзасида кенг тарқалган. Жумладан, Чақилкалон, Қоратепа, Оқтоғ ва Қоратоғда улар яхши ривожланган.

Тоғолди текисликлар ҳамда ёйилмалар генетик жиҳатдан тоғ билан боғлиқдир, чунки тоғнинг баландлиги, тектоник ҳаракатлар, ёнбағирлар экспозицияси, рельеф турлари ва қиялик даражаси, иқлимий, эрозион, аккумулятив жараёнлар ва гидрографик тўрнинг қай даражада шаклланганлиги қараб тоғолди текисликлар ҳамда конуссимон ёйилмалар вужудга келади. Шунинг учун тоғолди текисликлар ҳамда ёйилмаларни вужудга келишида геологик тараққиёт, рельеф, иқлимий хусусиятлар, гидрографик тўр катта рол ўйнайди.

Ҳозирги кунга келиб Ўрта Зарафшон ҳавзаси табиий ва антропоген ландшафтлари юқорида айтиб ўтилган барча геологик даврлардагига нисбатан юзлаб марта кучли ўзгартирилди. Ҳавзанинг барча суғорма деҳқончилик қилинадиган жойларида воҳа ландшафтлари шаклланди. Асосий морфогенетик рельеф типлари текисликлардан, ясси платолардан йирик тепаликлардан, пасткам ботиклардан, дарё қайрлари ва қайир усти терассалардан, сой ҳавзалари ва ёйилмаларидан, тоғолди пролювиал текисликларидан, конуссимон ёйилмалардан иборат. Қишлоқ хўжалигини, жумладан суғорма деҳқончилиқни ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш учун Ўрта Зарафшон ҳавзасининг қайир, қайир усти терассалари, тоғолди пролювиал текисликлар, конуссимон ёйилмалар жуда ҳам қулай.

Ўрта Зарафшон ҳавзасининг иқлимий омиллари ва жараёнларини ташкил этувчи элементлар ўзининг фаолияти билан ландшафт комплексларни вужудга келишида ва ривожланишида, эрозия натижасида ҳосил бўлган жинсларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, уларни тоғ ва тоғолди текисликларида ётқизиш каби фаолияти билан фаол иштирок этади. Ландшафт комплексларни вужудга келишида рельеф муҳим аҳамият касб этади. Бу борада воҳа ландшафтларини вужудга келишида унинг аҳамияти янада ортади (1-жадвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### Ўрта Зарафшон ҳавзасидаги рельеф типларидан фойдаланиш

Рельеф типлари	Рельеф шакллари		
	Сой ёнбағирлари	Сой таги	Баландлик ясси юзалари
Тоғолди пролювиал текисликлар	Чорва яйловлари, боғдорчилик, узумчилик	Суғорма деҳқончилик, боғдорчилик	Баҳорикор экинлар, яйловлар
Юқори Қисми	Чорва яйловлари, боғдорчилик	Баҳорикор деҳқончилик, боғдорчилик	Яйловлар, баҳорикор деҳқончилик
Ўрта Қисми	Баҳорикор деҳқончилик, интенсив боғдорчилик	Баҳорикор деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик	Интенсив боғдорчилик, баҳорикор деҳқончилик
Қуйи Қисми	Баҳорикор деҳқончилик, суғорма деҳқончилик	Баҳорикор деҳқончилик, боғдорчилик, интенсив боғдорчилик	Баҳорикор деҳқончилик, суғорма деҳқончилик
Дарё террасалари	Суғорма деҳқончилик, боғдорчилик	Суғорма деҳқончилик	Суғорма деҳқончилик

Ўрта Зарафшон ҳавзасида ғарбдан шарққа қараб гипсографик баландликнинг ортиб бориши ва орографик тўсиқларнинг таъсири натижасида ўртача йиллик ҳарорат сезиларли даражада пасайиб, ёғингарчилик миқдори ортиб боради. Масалан, йиллик ёғин шу йўналишда 180-200 мм дан 500 мм гача, айрим ҳудудларида 800-880 мм гача ортиб боради. Ўрта Зарафшонни ўнг ирмоқларга бой Зарафшон дарёси кесиш ўтади Доимий ва вақтинча сув оқимлари даралар, дарё водийлари, жарликлар, конуссимон ёйилмаларни ҳосил қилади улар микрозоналарни ҳосил бўлишида муҳим омил вазифасини бажаради.

Ўрта Зарафшоннинг ўнг ва чап қирғоғидаги тоғолди қисмларида адирлар ва текислик ландшафт комплекслари жуда яхши ифодаланган. Диссертацияда адир, тоғолди текислик ва ёйилма ландшафт комплексларини ҳавзанинг бир қисми сифатида қараб, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш нуқтаи назаридан айримларига мажмуали тавсиф бериб ўтилади. Унда ландшафт комплекслари табиий географик нуқтаи назардан тавсифланади ва уларнинг характерли урочишалар ажратилади. Масалан, Чақилкалон ва Қоратепа тоғлари этагидаги адирёни пролювиал текислик ландшафт комплексининг характерли урочишалари: 1) қисман тўлқинсимон текис юзалардаги мураккаб урочишалар; 2) таги ясси кенг пастқамликлардаги

оддий урочишалар; 3) ясси тепали қирликлардаги оддий урочишалар; 4)йирик ирригация иншоотлари теварак-атрофларидаги оддий урочишалар; 5) жарлик ва жарлик системаларини қамраб олган оддий урочишалар.

Ёйилма ландшафт комплекслар бизнинг таъбиримизда доимий равишда бир-бири билан чамбарчас боғланган, мустаҳкам алоқада бўлган ўзига хос геоморфологик структура бўлибгина қолмасдан, макон ва замонда ландшафт комплексининг турли морфологик бирликларини шаклланишига сабаб бўлади. Улар ҳам ўзига хос урочишалар гуруҳидан ташкил топган. Умуман олганда тоғолди текислик ҳамда ёйилма ландшафт комплексларининг катта қисми қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқли бўлишига қарамасдан ҳанузгача уларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Биз келажакда тоғолди текислик ва ёйилма ландшафтларидан замонавий суғориш усулларини қўллаган ҳолда интенсив қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имконияти юқорилигини таъкидлаймиз. Чунки, ушбу ҳудудларни суғориш мақсадларини кўзлаб қишлоқ хўжалиги муомаласига киритишда томчилатиб суғориш усулининг афзаллиги каттадир.


Диссертациянинг «**Ландшафтларни қишлоқ хўжалик мақсадларида баҳолаш ва микророзналаштириш**» деб номланган учинчи бобида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ландшафт омили масалалари билан бир қаторда арид иқлим шароитида намгарчилик етишмайди ва ўз навбатида ер ости сувларини сатҳига таъсир этади. Бу эса, биомассага албатта ўз таъсирини ўтказди. Энг муҳими тупроқларнинг агромелиоратив ҳолати ландшафтларнинг умумий таъсирчанлигига боғлиқ. Сабаби, рельефга боғлиқ ҳолатда ўта таъсирчан ландшафтларда табиий ландшафтларни сақлаш муҳимдир. Аммо бундай ландшафтлар рельеф қиялиги 15-20<sup>0</sup> дан ошса намоён бўлади. Қиялиги кичик ландшафтлардан қишлоқ хўжалигини мос тармоқларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ўрта Зарафшон ҳавзасининг 10% ҳудуди конус ёйилмаларга тўғри келса, 29% майдони тоғолди пролювиал текисликлар ва адирлардан иборат, улардан самарали фойдаланиш мақсадида унумдорлиги паст бўлган ерларни ушбу ҳудудларга алмашлаш имкони вужудга келади. Юқорида келтирилган омиллар асосида айрим категориялар бўйича баҳолаш имконияти пайдо бўлишига асосий эътибор қаратиш лозимдир. Бирор бир ҳудудни қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан баҳолаганда табиий шароитнинг қулай-ноқулайлиги даражасини белгилайдиган, ер юзидаги тоғ жинслари, рельеф, иқлим, сув ва ландшафт ресурсларини уйғунликда таҳлил қилиш баҳолашнинг етакчи услубларидан ҳисобланади. Сўнгги йилларда ҳудудларни қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадларида баҳолашда ландшафтли таҳлил кенг қўлланилмоқда.

Тадқиқотимизда шу соҳада илгари амалга оширилган баҳолашлардан фойдаланиб, Ўрта Зарафшон ҳавзаси тоғолди текислик ва ёйилма ландшафт комплексларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш мақсадида баҳолаш учун рельефи, аҳоли жойлашуви, табиий ўсимлик қоплами, тупроғи, унумдорлиги ва вегетация индексини ўзгариши асосида қуйидаги мезонни ишлаб чиқдик: 1. қисман қулай; 2. қулайроқ; 3. қулай; 4. жуда қулай. Ушбу баҳолашни



қўллашдан олдин биз Ўрта Зарафшон ландшафтларини 2018 йил 10-майдан 27-июлгача вақт оралиғидаги космик суратлар (Landsat-8) ни дешифровка қилиш орқали вегетацион индексларини эпюраси билан ҳисобладик ва олинган натижаларни ландшафт комплексларини қишлоқ хўжалик мақсадларида баҳолашда фойдаландик (1-2-расмларга қаранг).

Ўрта Зарафшон ҳавзасининг умумий майдони 13570,52 км<sup>2</sup>, шундан сув объектлари 127,36 км<sup>2</sup>, очик майдон 5881,84 км<sup>2</sup>, ғалла экиладиган майдон 3008,86 км<sup>2</sup>, пахта майдони 2537,85 км<sup>2</sup>, боғлар, дарахтзорлар, бутазор сийрак ўрмонлар майдони 2014,59 км<sup>2</sup> ни ташкил этади. Ушбу маълумотлар NDVI calculation каталоги орқали автоматик ҳисобланди. Ҳисоблаш аниқлиги 10<sup>5</sup> га тенг. Биз Landsat-8 космик станциясининг 2018 йилнинг вегетацион даври учун олинган космик суратлари асосида Ўрта Зарафшоннинг интеграл картасини яратдик (1-расм). Ушбу картани яратиш учун дастлаб, Landsat-8 станциянинг 2018 йил 10 майдан 27 июлгача вақт оралиғидаги жами 6 та космик суратлари (космик суратлар [libra.development](http://libra.development) сайтидан олинди) таҳлил қилинди (1-2-расмларга қаранг).




### 1-расм. Ўрта Зарафшонни вегетацион индекслари интеграл картаси

Вегетацион индексларни ҳисоблашда спектрнинг қизил соҳаси (R4) ҳамда спектрнинг инфрақизилга яқин соҳаси (NIR5) дан фойдаланилади. Сабаби, юқоридаги спектр соҳалари ўсимлик қопламида яхши ютилади. Шу туфайли ҳам ушбу спектрлар вегетацион индексларни ҳисоблашда бутун дунёда қўлланилади. Вегетация даври учун маданий ўсимликлар ёки ўсимликсиз сиртларни ажратиш учун камида 5 та (ҳеч бўлмаганда 10 кунлик фарқ билан) сурат етарлидир (суратлар R4 ва NIR5 соҳаларида бўлиши шарт). Биз 6 та сурат ва 15-20 кунлик ораликдан фойдаландик. Шу сабабли олинган натижалар минимум талаблардан юқори ҳамда аниқроқ бўлди. Дешифровка учун космик суратлар 2018 йил 10 май, 26 май, 11 июн, 27 июн, 13 июл ҳамда 27 июлда олинган бўлиб, ушбу космик суратлар ENV14.5 дастурида алоҳида вегетацион индекслари ҳисобланади, сўнгра ArcGIS10.1 дастури ёрдамида бирлаштирилди.


Табиий географик районлаштириш табиий география ва

ландшафтшуносликнинг ҳозирги кунда ҳам энг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Табиий географик районлаштиришнинг илмий жиҳатдан пухта асосланган принципи, услуби ва таксономик бирликлари фақат илмий аҳамиятга эга бўлишдан ташқари халқ хўжалигининг турли соҳалари учун ҳам катта амалий аҳамият касб этади. Биз қуйидагиларни табиий географик районлаштиришнинг асосий принциплари сифатида қабул қиламиз: 1) районлаштиришнинг объективлиги; 2) парагенетик ва парадинамик алоқадорлик; 3) ландшафтларнинг ҳудудий яхлитлиги; 4) компонентлар мажмуасининг бир хиллиги; 5) табиий географик фарқлаш қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда районлаштириш натижаларининг таққосланиши.




**2-расм. Ўрта Зарафшон ҳавзаси ландшафтларини вегетацион индексларини ҳисоблаш эпюраси**

Тадқиқот ишимизда илгари амалга оширилган районлаштириш ва микрозоналаштиришга доир тажрибаларидан фойдаланган ҳолда қуйидаги районлаштириш системасини кўлладик: округ - район - ландшафт - микрозона. Ушбу схемага асосан Ўрта Зарафшон ҳудудини округ деб қараб, уни таркибида районлар, районлар таркибида микрозоналарни ажратдик. Биз тадқиқот ишимизда ландшафт комплексларни қишлоқ хўжалиги мақсадларида баҳолашни амалга оширдик ва шу асосда биз ишда ҳудудларни микрозоналарга ажратдик. Районлаштиришни амалга оширишда илгари амалга оширилган районлаштириш тажрибаларидан ва методларидан фойдаланиш билан бир қаторда космик суратларни қайта ишлашга асосланган замонавий тадқиқот усуллари ва ГИС технологияларидан кенг фойдаландик. Ажратилган районлар асосида микрозоналаштиришни амалга оширдик. Микрозоналаштириш ҳар бир район ҳудудида агроиклимий кўрсаткичларда микрозоналар фарқлар, вегетацион индекс (NDVI), ҳудуднинг ўсимликлар билан қопланганлик даражаси, транспирация индекси асосида амалга оширилди (3-4-расмга қаранг).



**3-расм. Чақилқалон ва Қоратепа тоғлари этақларидаги адир-пролювиал текислигини қишлоқ хўжалик мақсадларида баҳолаш карта-схемаси**



**4-расм. Ўрта Зарафшон ландшафт комплексларини қишлоқ хўжалик мақсадларида микроналаштириш ва районлаштириш карта-схемаси**

Карта-схема легендаси - **I. Чақилқалон ва Қоратепа райони:** 1) Чақилқалон тоғи адир ва тоғолди текислигидаги микрозона; 2) Ғиждувонсой-Ғўссой ёйилмаси текислигидаги микрозона; 3) Ургутсой-Камангаронсой ёйилмасидаги текислигидаги микрозона; 4) Қоратепа тоғлари адир ва тоғолди текислигидаги микрозона; 5) Омонқўтонсой ёйилмасидаги микрозона; 6) Охалиқсой ва Сазағонсой ораси ёйилмаларидаги микрозона; **II. Улус райони:** 7) Жом чўли тоғолди тўлқинсимон текислигидаги микрозона; 8) Оқсой-Жомсой ёйилмасидаги микрозона; 9) Улус чўли тоғолди текислигидаги микрозона; 10) Каттақўрғон сув омборибўйи тўлқинсимон текислигидаги микрозона; **III. Зирабулоқ-Зиёвуддин райони:** 11) Зирабулоқ тоғларига туташ адирлардаги микрозона; 12) Зирабулоқ тоғолди адирёни текислигидаги микрозона; 13) Зиёвуддин тоғларига туташ адирлардаги микрозона; 14) Зиёвуддин тоғолди адирёни текислигидаги микрозона. **IV. Нурота райони:** 15) Октоғ адир ва тоғолди текисликлардаги микрозона; 16) Қоратоғ тоғлари адир ва тоғолди текисликларидagi микрозона; 17) Олтинсой-Майдонсой ёйилмасидаги микрозона; 18) Кўсаройсой ёйилмасидаги микрозона; 19) Оқтепасой ёйилмасидаги микрозона; **V. Қароқчитоғ-Чимқортоғ райони:** 20) Қароқчитоғ адир ва тоғолди текисликларидagi микрозона; 21) Ғўбдинтоғ адир ва тоғолди текисликларидagi микрозона; 22) Чимқортоғ адирларидagi микрозона; 23) Туятортар каналибўйи текислигидаги микрозона; 24) Тўсинсой ёйилмасидаги микрозона; 25) Қорасувсой ёйилмасидаги микрозона. **VI. Шарқий воҳа; VII. Самарқанд воҳаси; VIII. Каттақўрғон воҳаси; IX. Кармана воҳаси.**

## ХУЛОСА

Бажарилган тадқиқот иши натижалари асосида қуйидаги **хулосалар** чиқарилди:

1. Тоғолди текислик ва ёйилма ландшафтларини, уларда содир бўлаётган воқеа ҳамда ҳодисаларни карталаштиришда космик суратлардан ва геоинформацион тизимлардан фойдаланиш, ўрта ва майда масштабли ландшафт карталарини тузишда, морфологик бирликларни, микроразоналарни ажратишда сифатли ранг усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги эътироф этилди.

2. Ўрта Зарафшон ҳавзасининг рельефи анча мураккаб бўлиб, ландшафтларнинг вужудга келишида асосий омил вазифасини ўтаса, бу омил қишлоқ хўжалиги мақсадларида баҳолашда муҳим мезон сифатида фойдаланишга имкон берди.

3. Ўрта Зарафшон ҳавзасида ландшафтларни вужудга келиши ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, ландшафт комплекслари тавсифланганда иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиш нуқтаи-назаридан баҳолаш имконини берди.

4. Дешифровка натижасида ўсимликларнинг NDVI (вегетацион индекси) ни таҳлил қилиш, ландшафт комплексларини ички структураси ва қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг потенциал имкониятларини очиқ беришда ҳамда бошқа жараёнлар динамикасини ўрганишда кенг фойдаланиш имконини беради.

5. Ўрта Зарафшон ва конуссимон ёйилмаларнинг қиялик (slope) хусусиятларини акс эттирувчи карталари ландшафтлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланишда муҳим амалий аҳамият касб этади, шунингдек мелиоратив тадбирларни амалга оширишда янги услубий имкониятларни яратади.

6. Геосистемаларнинг бир-бири билан функционал-динамик боғлиқлиги ландшафтлараро парагенетик алоқадорлигини аниқлашга имкон беради.

7. Ҳудудларнинг ҳисобланган вегетацион индекс (NDVI) лари микроразоналарни ажратишда қиялик (slope) ва баландлик билан боғланганлигини аниқлашга имкон берди.

8. Ҳавзада тоғолди текислик ландшафтлар катта майдонларни эгаллаши ва уларнинг табиий салоҳиятидан ҳалигача тўлиқ фойдаланилмаётганлиги аниқланди. Шунинг эътиборга олиб тадқиқот ишини бажариш давомида ландшафтлардан янада кенгроқ ва самаралироқ фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

9. Ёйилма ландшафт комплекслари ўзига хос микроразоналарни ташкил этиши таъкидланди ва уларни хўжалик имкониятларини алоҳида баҳолаш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЭШКУВВАТОВ БЕКЗОД БЕККУЛОВИЧ**

**МИКРОЗОНИРОВАНИЕ ЛАНДШАФТНЫХ КОМПЛЕКСОВ  
ПРЕДГОРНЫХ РАВНИН И КОНУСОВ ВЫНОСОВ И ИХ  
ОЦЕНКА В ХОЗЯЙСТВЕННЫХ ЦЕЛЯХ  
(на примере Среднего Зарафшана)**

**11.00.01 – Физическая география**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам**

**Самарканд – 2020**



Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В.2019.3.PhD/Gr115.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.  
Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице samdu.uz, по адресу (www.ziyonet.uz) информационно-образовательного портала "ZiyoNET".

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Аббасов Субхон Бурханович</b> доктор географических наук
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Нигматов Аскар Нигматуллаевич</b> доктор географических наук, профессор <b>Кузибаева Озодхон</b> кандидат географических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Наманганский государственный университет</b>

Защита диссертации состоится 19 августа 2020 г. в 14:00 часов на заседании ученого совета DSc.03/30.2019.Gr.02.07 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский бульвар, 15. Главный корпус, аудитория 105, Самаркандского государственного университета. Тел.: (+99866) 239-16-36, факс: (+99866) 239-19-38; E-mail: ik-geografiya2019@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре в Самаркандском государственном университете (зарегистрирована за номером 46). Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел: (+99866) 233-60-87.

Автореферат диссертации разослан « 5 » 08 2020 года  
(протокол реестра № 8 от « 5 » 08 2020 года).



**В.А.Рафиков**  
Заместитель председателя научного совета присуждению ученых степеней, д.г.н. (DSc)

**Б.А.Мелиев**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, PhD по географическим наукам

**А.Рахматуллаев**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.г.н. (DSc)

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации(PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Из-за интенсивного использования ландшафтов в мире для обеспечения человечества природными ресурсами с каждым днем усиливаются техногенная деградация природной среды, опустынивание, ухудшение мелиоративного состояния земель, эрозия почвы, деградация, дефляция, опустынивание и другие негативные геоэкологические и физико-географические процессы, которые усиливаются с каждым днём всё сильнее. Решению этой проблемы международные организации уделяют большое внимание. В частности, в «Программе устойчивого развития до 2030 года» указаны следующие задачи «Защита и восстановление наземных экосистем, их рациональное использование, рациональное управление лесами, борьба с опустыниванием, прекращение деградации земель и предотвращение потери биоразнообразия»<sup>3</sup>. Эти задачи требуют комплексного изучения, основанного на принципах системно-структурной, парагенетической и парадинамической взаимозависимости, особенно в засушливых климатических условиях, эффективного использования потенциала ландшафтных комплексов, развития видов земледелия, осуществления хозяйственной деятельности в регионе.

Проведение в мире мелиоративных мероприятий в сфере сельского хозяйства и защиты ландшафтов, изучение в целях сельского хозяйства территорий, дифференциация ландшафтов и их структуры, используя геоинформационные системы (ГИС), ведение ландшафтных исследований на основе современных методов, анализ их потенциала, их оценка в хозяйственных целях, разработка критериев системной оценки, совершенствование схемы размещения посевов на основе микрорайонирования, требует разработки научных решений. Приоритетное значение отдается определению NDVI (вегетационный индекс) регионов, расчету диаграмм NDVI, изучению сложных динамических процессов, происходящих в ландшафтных классах и их морфологических единицах, их дифференциации и изменений на основе специфики регионов.

В республике предпринимается ряд мер для оценки потенциала регионов с использованием современных научно-технических достижений, улучшения мелиоративного состояния земель, ведения их кадастра, оценки ландшафтов, с точки зрения различных хозяйственных целей, микрорайонирование, районирование и на этой основе эффективного использования возможностей ресурсного потенциала ландшафтов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы<sup>4</sup> определены важные задачи по «дальнейшему улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель, развитию мелиоративных и

---

<sup>3</sup> Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru

<sup>4</sup> Указа Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

ирригационных объектов отрасли». В связи с этим важно изучить структуру и дифференциацию природных и антропогенных ландшафтов, в частности, в бассейне Среднего Зарафшана, с точки зрения их хозяйственного использования, в том числе целенаправленного использования ландшафтного потенциала, их разделение на микрзоны и картографирование.

